



## **O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI QARORI**

2021 - yil 14 - oktabr

168-3-0-Q/21

Jizzax viloyati hokimligi

### **Вилоят ҳокимининг 2021 йил 24 апрелдаги 181-сонли қарорига қўшимча ва ўзгартириш киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 апрелдаги “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5088-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг 2021 йил 15 августдаги 48-сонли баёни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5-, 6- ва 25-моддаларига асосан

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссиясининг 2021 йил 15 августдаги 48-сонли баёни ижро учун қабул қилинсин.
2. Вилоят ҳокимининг 2021 йил 24 апрелдаги 181-сонли қарорининг 1- ва 2-иловасига киритилган ўзгартиришлар 1- ва 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Вилоят Инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси (С.Мирзакабилов) мутасадди бошқармалар, идоралар ва туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда ўзлари қабул қилган ҳужжатларини ушбу

қарорга мувофиқлаштириш чораларини кўрсинлар.

4. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Н.Нурматов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Э.Салиев

Жиззах вилоят ҳокимининг  
2021 йил 14 октябрдаги  
168-3-0-Q/21-сон қарорига  
1-илова

**Жиззах шаҳар ва туманларда ташкил этиладиган ёшлар саноат ва  
тадбиркорлик зоналари**

**РЎЙХАТИ**

<b>Т/р</b>	<b>Жойлашган манзили</b>	<b>Ер майдони (га)</b>
1.	Дўстлик тумани, “Саноатчилик” МФЙ, Саноатчилар кўчаси, давлат захирасидаги бўш ер майдонлари	5,0
2.	Шароф Рашидов тумани, “Учтепа” МФЙ	10,0
3.	Зомин тумани, “Қўрғон” МФЙ , “Кўп тармоқли Техно парк” худуди	4,65
4.	Жиззах шаҳри, “Сайхан” МФЙ	9,5
<b>Жами: 4 та</b>		<b>29,15</b>

Жиззах вилоят ҳокимининг  
2021 йил 14 октябрдаги  
168-3-0-Q/21-сон қарорига  
2-илова

## 2022 йил 1 январга қадар ишга туширилиши лозим бўлган

### 10 та ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари

#### РЎЙХАТИ

Т/р	Жойлашган манзили	Ер майдони (га)
1.	Арнасой тумани, “Бобур” МФЙ	10,0
2.	Бахмал тумани, “Ўснат” ШФЙ	5,0
3.	Ғаллаорол тумани, “Кўкбулок” ҚФЙ	5,0
4.	Зарбдор тумани, “Янгиобод” МФЙ	3,0
5.	Зарбдор тумани, “Оқбулок” МФЙ	3,0
6.	Зафаробод тумани, “Бўстон” МФЙ	1,5
7.	Мирзачўл тумани, “Мирзадала” ШФЙ	2,0
8.	Пахтакор тумани, “Ғалаба” МФЙ	1,5
9.	Фориш тумани, “Ўзбекистон” МФЙ	5,0
10.	Янгиобод тумани, “Шодлик” ШФЙ, давлат захирасидаги бўш ер майдонлари	2,0
<b>Жами: 10 та</b>		<b>38,0</b>